JIZZAX VILOYATI ARNASOY TUMANI HOKIMI QARORI

2022 - yil 31 - mart 109-3-43-Q/22 Arnasoy tuman hokimligi

Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш” Қоидаларининг 118-банди ва "Сув таъминоти тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.05.2020-йилдаги 342-сон қарорига мувофиқ, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Жиззах Сув таъминоти” МЧЖ Арнасой туман филиали томонидан аҳоли (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари нархларини тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Жиззах Сув таъминоти” МЧЖ Арнасой туман филиали (Р.Бегматов)га:

Ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўз вақтида тўлиқ етказиб берилишини;

Оқова сув хизматидан фойдаланувчи истеъмолчиларга белгиланган тартибда шартнома асосида хизмат кўрсатиш;

Истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви ва оқова сув хизматлари бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида

амалга оширилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

3. Туманда етказиб берилган ичимлик суви ва оқова сув хизматлари нархлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ҳокимлиги матбуот котиби (Р.Нурматов) ҳамда “Арнасой тонги ” газетаси (Х.Мирзаев)ларга мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайти ва туман газетасида эълон қилш тавсия этилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ф.Адилов зиммасига юклатилсин.

Hokim **Ҳ.Алимарданов**

Arnasoy tuman hokimining
2022 yil 31 martdagi
109-3-43-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Арнасой туманида 1 м^3 ичимлик суви ва оқова сув хизматлари нархлар

ЖАДВАЛИ

Т/Р	**Хизмат турлари**	**Истемол тури**	**Ўлчов бирлиги**	**Нархи (сўмда)**
1.	Ичимлик суви	Аҳоли истемолчиларига	1 м^3	2550 сўм (келишилган холатда)
		Бюджет ва улгуржи истеъмолчиларга	1 м^3	4075 сўм (келишилган холатда)
2.	Оқова сув	Аҳоли истемолчиларига	1 м^3	----------
		Бюджет ва улгуржи истеъмолчиларга	1 м^3	----------